

**ЧАҚИРИҚАЧА ҲАРБИЙ ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИ ТАЛАБАЛАРИНИНГ
ҲАРБИЙ-ВАТАНПАРВАРЛИК ТАЙЁРГАРЛИГИ МОДЕЛИ**

Хонимқулов Анвар Раҳимқулович

Низомий номидаги ТДПУ Ҳарбий таълим факултети катта ўқитувчиси

Аннотация Олиб борган тадқиқот иши миз доирасида қўйилган муаммони ечиш учун талабаларда ҳарбий ватанпарваарлик моделни ишлаб чиқиши ва уни илмий асослаш зарур. Чунки, бугунги кунда таълим тизимида интерфаол таълим методлари, инновацион педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланган

Калит сузлар таълим асрнинг Педагогика ҳарбий таълим

XX асрнинг иккинчи ярмида таълим ва фан соҳасидаги илмий изланишларда психология, педагогика, фалсафа ва бошқа фанларда моделлаштиришда фаол фойдалана бошладилар. «Модель» сўзи лотинча «modulus» сўзидан келиб чиқсан бўлиб, ўлчов, намуна маъносини англатади. Дастрраб модель остида бошқа назарияга нисбатан структуравий ўхшашликка эга бўлган назарияни талқин қилиб ўтганлар. Хусусан, «модель» атамаси мазкур назария тааллуқли бўлган ёки у ифодалайдиганга тааллуқли бўлиши мумкин бўлган объектни ифодалаш учун фойдаланила бошланди.


Педагогика фанида тарқиётида олимлар томонидан олиб борилган изланишларда таълим жараёни модели ва таълимда моделлаштириш тўғрисидаги замонавий илмий тасавурлар тўғрисида қўйдагича ўз фикр-мулоҳазаларини билдирган. Модель тушунчаси фаннинг бир қанча соҳаларида қўлланади, қўпгина жиҳатларга эга бўлиб қўйдаги муаллифларнинг илмий тадқиқот ишлари уни ўрганишга бағишлиланган. Олимлар томонидан олиб борилган илмий тадқиқотларда моделлаштириш жараёни, ҳодисалар ва объектлар тизими моделларини ишлаб чиқиш ва ўрганиш орқали тадқиқ этиш каби сифатларни тавсифлайдилар. Одатда таълим жараёнида модель тадқиқ этилаётган объект (ёки ҳодиса) бўлиб, мазкур объект элементлари ўртасидаги структура, хусусиятлар, ўзаро алоқалар ва муносабатларни соддлаштирилган кўринишни ифодалайдиган схема, физик конструкция, белгили шакллар ёки формулалар кўринишида сунъий яратилган объект сифатида таърифланади.

Тадқиқотчилар томонидан, модель объектни амалий ёки назарий ўзлаштириш боғлиқ бўлган оралиқ бўғин бўлиб хизмат қилиши аниқланган. Моделлар билиш жараёнида ва уларни амалга ошириш усули бўйича уларнинг роли бўйича хилма-хилдир. Модель: билим ва амалиётнинг замонавий даражасининг чекланганлиги оқибатида уни бевосита тадқиқ этиш имкони бўлмаганида, назарияни ишлаб чиқиша кўлланилади;


агар фанда тўпланган далиллар ёки қонунларни тушунтириш учун назария мавжуд бўлмаса, уларни тушунтириш учун танланиши ёки қурилиши мумкин;

тадқиқ этилаётган объектнинг етарли ривожланган назарияси мавжуд бўлиб, унинг билан тавсифланаётган объектларнинг таҳлилига назарияни қўллаш мураккаб бўлган ҳолларда қўлланилади;

назариянинг у **тавсифлавлои** воқеликнинг предметли соҳаси билан бевосита боғланиш имконияти мавжуд бўлмаганида назария ва воқелик



Яъни талабалар олий таълим муассасаларида асосий таълимий дастурни эгаллаш билан бир вақтда ҳарбий таълим факультетларда захирадаги талабаларни тайёrlаш дастурини ўзлаштиришлари орқали касбий қайта тайёргарликдан ўтадилар.



Чақириққача ҳарбий таълим йўналиши талабаларининг ватанпарварлик сифатларини шакллантиришнинг педагогик технологияси

ватанпарварлик тайёргарлиги субъектлари сифатида олий таълим муассасасининг таълим-тарбия жараёнида иштирок этувчи ва талабалар – бўлажак захирадаги талабалар билан бевосита ўзаро алоқада бўлиш имконига эга бўлган компетент мутахассислар хизмат қиласи. Бундайларга ҳарбий таълим факультети педагоглари, талабаларнинг дарсдан ташқари фаолиятларининг ташкилотчилари, кураторлар киради.

Ватанпарварлик тайёргарлигининг мақсади ҳарбий таълим факультетларида таълим оловчи талабаларнинг ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси мазмунини амалга оширишдан иборат.

Талабанинг ватанпарварлик тарбияси бутун ўқув-тарбия жараёнининг асосий негизи талабаларнинг онги, ҳиссиётлари ва хулқига уларни Ватан олдидағи ўз ҳарбий бурчларини бажаришга тайёрлаш мақсадида яхлит, ташкилий, босқичма-босқич, узлуксиз, фаол таъсир этишни таъминловчи мақсад ва вазифалар, мазмун, принциплар, методлар ва воситалар, ташкилий шаклларнинг умумийлиги ва мажмуини ифодалайди.

Ватанпарварлик тайёргарлиги мақсадини амалга ошириш якуний натижада, бизнингча, қуидаги касбий ва шахсий-аҳамиятли кўрсаткичларнинг шаклланишига олиб келиши керак:

Касбий билим, қўникма ва малакалар нуқтаи назаридан чақириққача ҳарбий таълим йўналиши талабалари:

Конституцияси асосларини, инсоннинг инсонга, жамиятга, атроф-муҳитга муносабатини тартибга соловчи ахлоқий ва хуқуқий меъёрларни, ҳарбий хизматни ўташни тартибга соловчи қонунларни, Чақириққача ҳарбий таълим йўналиши талабалари Куролли кучлар умумҳарбий низомлари талабарини, ҳарбий хизматни тартибга соловчи бошқа меъёрий хужжатларни билиш, уларни хизмат фаолиятида инобатта олишни билиш; бўлинмада тарбиявий ишни, ҳарбий интизомни таъминлаш тадбирларини ва ҳарбий қисмлар хизматини ташкил этишни, хавфсизлик талабларига риоя этиш, атроф-муҳитни ҳимоялаш ва давлат сирини сақлаш, тақдим этилган хукуқлар доирасида мустакил ҳаракат қилиш;

ўз касбий маҳорати, интеллектуал, ахлоқий ва жисмоний ривожланишини такомиллаштиришни билиш, намунали ташқи кўринишга эга бўлиш, соғлом турмуш тарзига риоя этиш;

гуманитар ва ижтимоий-иктисодий билимларнинг замонавий даражасига мос бўлган илмий дунёқарашга эгалик, дунёда содир бўлаётган жараёнлар тўғрисида Ватан манфаатларидан келиб чиқиб фикрлаш ва баҳолашни билиш, чақириққача ҳарбий таълим йўналиши талабалари Куролли кучларининг ўрни ва ролини тушуниши; фикрлаш маданиятига эгалик, унинг умумий қонуниятларини билиш, унинг натижаларини ёзма ва оғзаки нутқда тўғри (мантиқий) ифодалаш.

Битирувчининг шахсий хусусиятлари нуқтаи назаридан:

- юқори маънавийлик, ўз Ватани, талаба касбига содиқлик ва ривожланган меҳрҳисси; ривожланган мавҳум-мантиқий фикрлаш;
- шахсий компетент фикрига эгалик, шароитнинг ностандарт вазиятларида асосли қарорлар қабул қилишни билиш ва уларнинг бажарилишини ташкил этиш.

ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЮТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтидорли ёшларни аниқлаш ва юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг узлуксиз тизимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4306-сонли Қарори / Халқ сўзи. 2019 йил 4 май.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4358-сонли Қарори. / Халқ сўзи. 2019 йил 18 июнь

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгacha ривожлантириш концепциясини

3– SON / 2022 - YIL / 15 - NOYABR

тасдиқлаш түғрисида»ги фармони. <https://aza.uz/oz/documents/zbekiston-respublikasi-oliy-talim-tizimini-2030-yilgacha-riv-09-10-2019>.

4. Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик рухида тарбиялаш концепциясини тасдиқлаш түғрисидаги Вазирлар Маҳкамасининг қарори. (*Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.02.2018 й., 09/18/140/0816-сон*)